

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
**Ипакчилик ва жун саноатни**  
**ривожлантириш қўмитаси раиси**



**Б.Қ.Шарипов**

**июнь 2022 йил**

### **БУЮРТМАЧИ:**

### **Ипакчилик ва жун саноатни ривожлантириш қўмитаси**

Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган якка қатор тут дараҳтлари ҳамда тутзорлар майдонларида сифатли кимиёвий ишловчиларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда тут парвонаси зааркунандасини батамом йўқ килиш

### **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида тут парвонасига қарши кураш ишларини олиб бориш.

1.2. Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган якка қатор тут дараҳтлари ҳамда тут майдонларига сифатли кимиёвий ишлов бериш:

- Жиззах вилоятида 300 000 дона якка қатор тут дараҳтларига сифатли кимиёвий ишлов бериш қиймати 159 600 000 сўмни ташкил этади;

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Вилоятлар кесимида танлов алоҳида-алоҳида эълон қилинади (иловага асосан).

1.5. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани Исмоил ота кўча 1-а уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан Биржа (савдо)га қўйилади ва Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар мавжудлиги;

- танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

- танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

- Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

- мол-мулки мусодара қилингандар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани жадвал қисми билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидирлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида ([xarid.uzex.uz](http://xarid.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим (1-илова):

- техник қисми, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

- нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Хизматни ўзгаришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгаририлган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгаришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушуниришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгаририласлиги керак.

6.3. Таклифларни (2-иловага мувофиқ) кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегиши тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

## **7. Низоларни ҳал этиш тартиби**

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиқкан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

7.2. Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Буюртмачи» давлат рўйхатидан ўтган худуддаги суд органларида кўриб чиқилади.

7.3. Шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқкан тақдирда Конунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## **1-илова**

### **Танловга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати**

1. Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш бўйича кафолат
2. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
3. Мавжуд техникалар, маҳсус ихтинослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот.
4. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камида 5 йиллик иш тажрибаси тўғрисида маълумот.
5. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот
6. Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи тўғрисида маълумот
7. Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган якка қатор тут дараҳтлари ҳамда тутзорларни ўргангандиги тўғрисида маълумотнома.

**2-илова****Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.**

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электрон шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жиҳатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электрон шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг қуидаги изонларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

№	Мезонлар номи, мазмуни	Энг юқори балл	Фоиз хисобида
1	Ушбу танлов хизматлар қисқа муддатда бажариш бўйича кафолат	20	
2	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома, лицензия, хизмат кўрсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари	10	
3	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тўғрисида маълумот	15	
4	Охирги 5 йил давомида шу соҳада бажарилган ишлар бўйича орттирилган тажрибаси	20	80 %
5	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва ўртacha иш стажи	15	
6	Тут парвонаси билан заҳарланган дала контурлар атрофи, йўл ёқаси ва ариқ бўйларида жойлашган якка қатор тут дарахтлари ҳамда тутзорларни ўрганганлиги тўғрисида маълумотнома	10	
7	Танлов иштирокчисининг молиявий ахволи	15	
8	Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		20 %